



Гендер зўравонликдан жабрланган ногиронлиги бўлган хотин-қизлар учун соғлиқни сақлаш хизматлари

Тошкент 2023

Маъруза режаси:

- Аниқлаш
- Баҳолаш
- Тиббий хизмат кўрсатиш
- Далилларни йиғиш
- Хатарларни баҳолаш ва уларни бошқариш



Аниқлаш



Тиббиёт ходимлари ногиронлиги бўлган аёллар ва қизларга нисбатан гендер асосидаги зўравонлик ҳолатларини аниқлашлари мумкин:

- ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий патронаж қилиш орқали;
- скрининг пайтида;
- профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида;
- гендер асосидаги зўравонлик жабрланувчиси дастлабки ёки такрорий текширув вақтида бевосита тиббий ташкилотга мурожаат қилганда;
- мурожаат пайтида дарҳол ҳиссий, жисмоний шикоятларга жавоб бериш орқали;
- ногиронлиги бўлган аёллар ва қизларда психосоматик касалликларнинг ривожланиш сабабларини таҳлил қилиш орқали.

Баҳолаш

Гендер асосидаги зўравонлик ҳолатини аниқлагандан сўнг, тиббиёт ходими баҳолаш саволномасига (3-илова) мувофиқ зўравонлик ҳолати мавжудлигини аниқлайди.

Зўравонлик ҳолати мавжудлигини баҳолаш мутахассислар билан биргаликда амалга оширилади: шифокорлар, ижтимоий ходимлар (агар мавжуд бўлса, жабрланувчига бириктирилган), агар керак бўлса, психолог ва сурдо таржимон.



Тиббий хизмат кўрсатиш



ҳаракатлар алгоритми

1. Зўравонлик ҳолати мавжудлигини баҳолагандан сўнг, тиббиёт ходими беморга нисбатан зўравонликнинг тахмин қилинган ҳолатлари учун сигнал варақасини тўлдиради.
2. Сигнал варақаси психологга, реабилитация марказининг ижтимоий ходимига ва/ёки МФЙ фаол аёл ходимига жабрланувчига ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш учун топширилади.
3. Зўравонликка учраган ногиронлиги бўлган қиз/аёлнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда, баҳолашдан сўнг, қоидаларга мувофиқ суҳбат ўтказилиши керак
4. Тиббиёт ходими 5-иловага мувофиқ, айтиқса жинсий зўравонлик ҳолатларида ЖССТ тавсияларининг умумий тамойилларига риоя қилган ҳолда, тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказди ("бошдан оёқ").

Тиббий хизмат кўрсатиш алгоритми (2)

5. Мурожаат қилувчининг розилиги билан ёки розилигисиз, ногиронлиги бўлган гендер асосидаги зўравонликдан жабрланувчининг соғлиғи ва ҳаётига таҳдид мавжуд бўлса, тиббиёт ходими ушбу ҳолат бўйича 102 хизматига хабар беради.

6. Кўрикдан ўтказгандан сўнг ва тез / шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг, тиббиёт ходими даволаш тактикасини белгилайди: амбулатор ёки стационар тарзда, зўравонликни бошдан кечирган ногиронлиги бўлган шахснинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда. Кейинчалик, тиббиёт ходими оилавий зўравонлик ҳолати ҳақида қуйидагиларни хабардор қилади:

- тиббий ташкилот раҳбари;
- поликлиника психологи ва ижтимоий ходими;
- мутасадди ташкилотлар.



Тиббий хизмат кўрсатиш алгоритми (3)

7. Амбулатор даволашда тўлиқ тиббий кўрик қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

- тиббий ёрдам талаб қиладиган жисмоний шикастланишларни аниқлаш, жароҳатларни даволаш ва шошилиш тиббий масалаларни ҳал қилиш;
- жинсий зўравонликдан омон қолган ногиронлиги бўлган шахсларга ғамхўрлик қилиш (шу жумладан исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун шошилиш контрацепция воситаларидан фойдаланиш, ОИВ ва бошқа жинсий йўл билан юқадиган касалликлардан алоқадан кейинги профилактика ва аборт хизматлари, агар қонунга зид бўлмаса ва мурожаат қилган шахснинг анланган розилиги билан);
- психо-эмоционал ҳолатни баҳолаш ва кейинги шошилиш, инқирозли психотерапия ва ижтимоий ёрдам учун психологлар ва ижтимоий ходимларга юбориш;
- зўравонлик фактини суд-тиббий экспертиза учун ҳужжатлаштириш.

Тиббий хизмат кўрсатиш алгоритми (4)

8. Зўравонликка дучор бўлган ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий-тиббий ва ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш бўйича индивидуал чоратadbирлар режаси ишлаб чиқилади.

9. Соғлиқни сақлаш хизматлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзига хос эҳтиёжларига мослаштирилиши керак. Ҳар бир ногиронлиги бўлган шахснинг мобил телефонида илова ва геолокацияга эга Qr -код бўлиши керак – бу тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини оширади ва зўравонликни ўз вақтида аниқлаш имконини беради.



Зўравонликни бошдан кечирган ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш қоидалари



1. Ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари ва тиббиёт ходимлари зўравонлик ҳаракатларининг жисмоний, психологик ва ҳиссий саломатликка оқибатларини бартараф этиш учун ногиронлиги бўлган гендер асосидаги зўравонлик жабрланувчиларини кўрикдан ўтказиш ва парвариш қилиш учун тегишли жиҳозлар ва бино (жой) билан таъминланиши керак.

Тиббиёт ходимлари ногиронлиги бўлган гендер асосидаги зўравонлик қурбонларини аниқлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, уйдаги зўравонликнинг жароҳатлари ва соғлиққа оқибатлари юзасидан тегишли тиббий ёрдамга, шу жумладан жинсий зўравонликдан кейин жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларнинг олдини олиш ва шошилиш контрацепциядан фойдаланиш бўйича малакали бўлиши керак.

Зўравонликни бошдан кечирган ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш қоидалари (2)

2. Қуйидагиларга муҳтож бўлган ногиронлиги бўлган шахсларни қабул қилиш жадвалларини тўғрилаш зарур:

- узоқроқ қабул қилиш вақти;
- иш вақтидан ташқари қабул қилиш;
- қабул қилишнинг махсус вақти;
- бир нечта мутахассислар томонидан биргаликда қабул қилиш.

3. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг танлови ва афзалликлари ҳурмат қилиниши керак. Мурожаат қилган шахснинг розилиги билан оила аъзоси ёки унга ғамхўрлик қилаётган шахс билан эмас, балки тўғридан-тўғри ГЗ жабрланувчиси билан гаплашиш.



Зўравонликни бошдан кечирган ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш қоидалари (3)

4. Жисмоний ногиронлиги бўлган шахс тиббий кўриқдан ўтиши керак бўлганда, кўриқдан ўтиш вақтида уларга танани текшириш ўриндиғида тўғри жойлашишга ёрдам бериш керак.
5. Хизмат олувчининг махфийлиги кафолатланиши керак. Инқироз марказининг манзилини ошкор этмаслик керак, агар муурожаат қилган шахс у ерга юбориладиган бўлса, унинг розилиги олинмаган бўлса, унинг уй манзили ва телефон рақамига хабар юбормаслик керак.
6. Агар керак бўлса, бошқа хизматларни олиш учун шахсий маълумотларни узатиш учун рухсат олиш керак.

Зўравонликни бошдан кечирган ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш қоидалари (4)

7. Ногиронлиги бўлган ГАЗ жабрланувчиларига, агар уларда бирон бир савол, зўравонлик билан боғлиқ асоратлар ёки бошқа тиббий муаммолар бўлса, исталган вақтда қўнғироқ қилишлари ёки соғлиқни сақлаш муассасасига келишлари мумкинлиги ҳақида хабар бериш керак.

8. Маслаҳат учун алоҳида хонани таклиф қилиш керак. Алоҳида хона бўлмаса, хонанинг қисмлари изоляция қилинган зона сифатида ишлатилиши керак.

Зўравонликни бошдан кечирган ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш қоидалари (5)

9. Маъноли мулоқот ва хизматларни самарали тақдим этиш учун тегишли равишда қуйидаги мавжуд форматлардан фойдаланиш керак:

- Брайл ёзуви;
- катта ҳажмдаги нашр;
- товуш жўрлиги;
- мнемокарталар;
- афзал қилинган жинсдаги таржимон ёрдамида имо-ишора тили;
- соддалаштирилган форматлар (масалан, оддий тил);
- визуал қўлланмалар;



10. Ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчининг розилигисиз, оила

Зўравонликни бошдан кечирган ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш қоидалари (6)

11. Ўқитилган тиббиёт ходимлари қуйидаги ресурсларга эга бўлиши керак:

- кўрик учун стол мавжуд бўлмаганда кўриқдан ўтиш имкониятини таъминлаш бўйича кўрсатмалар;
- кўрик пайтида сурдо таржимонлар учун асосий саволлар ва кўрсатмалар рўйхати, ва жинсий зўравонликнинг мумкин бўлган суд-тиббий экспертизаси;
- тушунарли тил ва мулоқот форматида (жинсий зўравонликдан омон қолган шахсни текширишда) ўзини қандай тушунтиришга оид кўргазмали ёрдам.
- кўришда нуқсонли бўлган ГАЗ жабрланувчиларини текшириш хонасига киришда қандай йўналтириш бўйича кўрсатмалар.

**Тиббий
ходимларнинг
ақлий
ногиронлиги
бўлган ГЗ
жабрланувчиси
ни аниқлаш
бўйича
ҳаракатлари
алгоритми
(Вандербилт
университети)**

13.09.2023

- 1. Лаёқатлилигини аниқланг:
- 2. Ҳужжатлаштирилган розилик:
- 3. Қарор қабул қилиши мумкин бўлган шахсни аниқланг:
- 4. Ақлий ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчиси ўзининг анланган розилигини бера олмаса ҳам, соғлиқни сақлаш ходимлари ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчиси қарор қабул қилиш жараёнида максимал даражада иштирок этишини ва унинг манфаатлари ҳамда афзалликларига устувор аҳамият берилишини таъминлаши керак.



Далилларни йиғиш

- ГЗ жабрланувчиси бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, клиник ва эксперт намуналари далил сифатида фақат тиббиёт ходими томонидан тўпланиши керак.



13.09.2023

ногиронлиги бор хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатувчилар учун

- Тиббиёт ходимлари қонун ва қоидаларга мувофиқ далилларни тўплаш усуллари бўйича махсус ўқитилган бўлиши керак, бундай тартиб-тамойилларни бажариш ҳуқуқига эга бўлиши керак.



16

Далилларни тўплаш учун зарур маълумотлар

Зўравонлик ҳодисаси ҳақида маълумот:

- ҳужумнинг санаси, вақти ва жойи, шу жумладан ҳужум содир бўлган сирт турининг тавсифи;
- тажовузкор/зўравоннинг исми, шахси;
- зўравонликнинг табиати ва зўравонлик фактининг батафсил тавсифи;
- қурол ва ҳаракатни чекловчи воситалардан фойдаланиш;
- доривор моддалар/гиёҳванд моддалар/алкогол/ингалянтлардан фойдаланиш;
- кийимлар қандай ечиб ташланган (жинсий зўравонлик ҳодисасида).

Кўрик давомидаги тартиб-тамойилар:

- беморга ҳар қандай савол бериш имкониятини беринг;
- агар зўравонлик жабрланувчиси хоҳласа, кўрик вақтида оила аъзоси ёки дўстининг ҳозир бўлишига рухсат беринг;
- беморни кўригини ўтказиш пайтида гувоҳ ҳамиша ҳозир бўлиши керак;
- кўрик вақтида беморга келгусида нима қилишни режалаштираётганингиз ҳақида хабар беринг ва рухсат сўранг;
- кўрик ёруғ, иссиқ, тоза ва алоҳида хонада ўтказилиши керак;

Кўрик давомидаги тартиб-тамойлари: (2)

- агар ечилган кийим ҳужум вақтида жабрланувчининг устида бўлган бўлса ва суд-тиббий далиллар тўпланиши керак бўлса, бемор катта оқ варақ устида ёки очиқ рангли катта қоғоз устида ечиниши керак. Агар бемор кийимни йиғишга рози бўлса, кўрик ўтказувчи шифокор қўлқоп кийиши ва ҳар бир кийимни қоғоз қопга солиши керак. Агар кийим-кечак суд экспертизасига олинса, алмаштириш учун кийим таъминлаш керак;
- кўрик давомида ҳам тиббий, ҳам суд-тиббий намуналари олиниши керак;

Кўрик давомидаги тартиб-тамойилар: (3)

- суд-тиббий далилларни тўплашда тиббиёт ходимлари суд ва суд жараёнларида қатнашиш муҳимлигини, шу жумладан гувоҳлик ва баёнотларни тўғри қайд этиш нақадар муҳимлигини тушунишлари ва қуйидагиларга ўргатилган бўлишлари керак:
 - ✓ суд-тиббий далилларни тўғри қайд этиш ва ҳисобот бериш;
 - ✓ суд-тиббиёт экспертизаси учун намуналар олиш;
 - ✓ ёзма далилларни тақдим этиш.


Далилларни тўплашда шахсинг ногиронлиги билан боғлиқ муаммолар зарур далилларни тўпласлик учун етарли сабаблар эмас.

Жисмоний шикастланиш белгиларининг тавсифи

- **Жойлашуви.** Яралар, кўкаришлар, тирнашлар, гематомалар, синишлар •
Ҳажми. Танадаги шикастларнинг ҳажмини ўлчаш керак.
- **Кўриниш.** Шикастланиш турининг тавсифи (чизиқли, эгри, тартибсиз).
- **Атрофдаги тўқималар.** Атрофдаги ёки яқин атрофдаги тўқималарнинг ҳолати (кўкарган, шишган ва бошқалар).
- **Ранг.** Кўкаришларни тасвирлашда рангни ўрганиш аниқса муҳимдир.
- **Сабаблари.** Ишлатилган кучнинг визуал йўналиши бўйича шарҳлар (тирналган жойлар бўлса).
- **Таркиб.** Ярада бегона жисмнинг мавжудлиги (кир, шиша ва бошқалар).
- **Қачон пайдо бўлганлиги.** Битиб кетишининг ҳар қандай белгилари бўйича шарҳлар. Шунинг эсида тутингки, қачон пайдо бўлганлигини аниқлиги тахминийдир ва бу жиҳатни шарҳлашда жуда эҳтиёт бўлиш керак.
- **Қирралари/четлари.** тавсифи ишлатилган қурол турига ишора бўлиши мумкин.
- **Чуқурлик.** Ўлчаш керак.

Хатарларни баҳолаш ва уларни бошқариш


- Зўравонлик қанчалик тез-тез содир бўлади?
- Тажовузкор спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қиладими?
- Зўрловчи қандай таҳдид турларини (ўлдириш, калтаклаш, қурол ишлатиш ва ҳ.к.) қўллайди?
- Уйингизда бирор бир қурол борми?
- Уйга қайтишга қўрқасизми?



Беморнинг ногиронлиги бўлган зўравонлик жабрланувчиси билан бирга бўлишини хавфли деб аниқлашда хавфсизлик режаси ишлаб чиқилади. Қайта ҳужумнинг олдини олиш стратегияси муҳокама қилинади.

Агар уйга қайтиш ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчиси учун хавфли бўлса, инқироз марказига мурожаат қилинади. Агар бунинг иложи бўлмаса, масалан, ГЗ жабрланувчиси рад этса ёки қишлоқда яшаса, вақтинчалик яшаш учун хавфсиз жой белгиланади.

Хулоса





ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

